



Халқ сўзи


Ўзбекистон —
келажги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 6 март, № 46 (4199)

Сешанба



Мамлакатимизда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш йилдан-йилга яхшиланиб бораётганини ҳар биримиз кўриб, билиб келаямиз. Беморларга тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш борасида пешқадамлардан бўлган Абу Али ибн Сино номили Тошкент шаҳар 1-клиник шифохонаси ҳақида гап кетганда ҳам шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин. Бош шифокор Салоҳиддин Бакирдихоновнинг айтишича, мазкур масканга минглаб кишилар мужожаат билан келишади. Жони оғриб, катта умид билан келётган бундай беморларга муомаласи ширин, қўли енгил шифокорлар малҳам бўлишга шай туришади.

ЖОНГА ЖОН ШИФОКОРЛАР

Шифохона қошидаги Йирингли жароҳлик марказининг, айниқса, беморларга катта нафи тегаётгани қувонарлидир. Асосан, қандли диабетнинг йирингли асоратлари, юмшоқ тўқималардаги жароҳатларга малҳам қўйишдек мураккаб жараён-да Марказнинг малакали


ҳодимлари доим жонсарақ. — Йилга мингдан зиёд беморларга, шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламига хизмат кўрсатамиз, — дейди марказ раҳбари Акмал Бобононов. — Аксарият ҳолларда қабулимизга ёши улуг кишилар келишади.

Абдуазим Пўлатов, Виталий Пшеничний, Фая Яблокова каби уруш ва меҳнат фахрийлари шу ерда дардларига дармон топишган. Тамара Куликова, Жамила Анабובה, Шоҳиста Шомуҳамедова, Шаҳноза Зокирова, Қурбаноӣ Мўминова сингари шифокорларимизнинг астойдил хизматлари боис дарддан фориг бўлган бундай фахрийлар кўпчилики ташкил этади. Шунинг учун ҳам улар йўллари тушиб қолса ёки вақт топсалар, албатта, биз билан ҳол-аҳвол сўрашиб кетдилар. Мана шундай пайтлар шифокор эканлигимдан мамнун бўлиб кетаман...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ
олган суратлар



Тиббиёт



Парламент ҳаёти

Жиззахда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Фуқароларнинг мужожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг вилоятда қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала муҳокама этилди.

ҚОНУН ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ?

Мазкур қўмита раиси А. Саидов бошқарган йиғилишда вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларидан ташқари вилоят фуқаролари, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман)нинг минтақавий вакили, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Таъкидландики, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, хусусан, адлия бошқармаси, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармасида фуқароларни қабул қилиш, уларнинг ариза ва шикоятларини вақтида ҳал этиш бўйича муайян ижобий ишлар амалга ошириляпти. Маҳаллий ҳокимлик ва давлат органлари томонидан «Фуқароларнинг мужожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси бажарилишини сўзсиз таъминлашни борасида ишлар амалга оширилмоқда. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, бошқа мансбдор шахсларнинг масъулиятини ошириш бўйича та-

бирлар уюштириляпти. Аммо фуқароларнинг ҳимоя қилиш, қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ишлар ҳар доим ҳам самарали бўляптими?

Жойларда маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тушаётган ариза-шикоятларни муддатда, одилона ҳал этмаслик ҳоллари мавжуд. Оқибатда фуқаролар юқори идораларга мужожаат этишга мажбур бўлишмоқда. Утган йили вилоят ҳокимлигига ариза ва шикоятлари билан мужожаат этганлар сони кўпайгани ҳам шундан.

Йиғилишда қонун ижросини таъминлаш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиблиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Сайёр йиғилишда Жиззах вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М. Анорбоев иштирок этди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Меҳнат билан кўркамдир кўклам

Аҳоли ўртасида экологик вазиятни барқарорлаштириш мақсадига "Экосан" халқаро ташкилоти уч босқичли ўз ичига олган "Экология ва саломатлик кунлари"ни ўтказиб келмоқда.

Ўтган шанба куни мазкур дастурнинг биринчи босқичи — Наврўз байрами ва Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланган умумреспублика экологик ҳашари бўлиб ўтди.

Шу куни юртимизнинг кўплаб корхона, муассаса ва ташкилотларида, ўқув масканлари, аҳоли яшаш жойларида хайрият тадбирлари бўлиб ўтди. 6 миллион нафардан зиёд киши иштирок этган ҳашарда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, саннат ускуналарининг техник ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари бажарилди.

Самарқанд Давлат университетининг миллий-маънавий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасидаги сазой-ҳаракатларига берилган муносиб баҳо, буюк аждодларимизга билдирилган юксак эҳтиром ифодасидир. Қисқаси, сафаримиз самарали бўлди, дейишимиз учун барча асос бор. Ҳар музокаралар, имзоланган ҳужжатлар келгусида икки томон учун ҳам манфаатли самаралар беришига ишонимиз.

Надира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбирлари.

АҚШ давлат котиби ёрдамчиси ўринбосарининг ташрифи тўғрисида

2007 йил 28 февраль — 5 март кунлари АҚШ давлат котиби ёрдамчиси ўринбосари Эвен Файгенбаум амалий ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди.

Юртимизда бўлиши чоғида Э. Файгенбаум Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идораларида учрашувлар ўтказди, шунингдек, Самарқандни зiyorат қилди.

«Жаҳон» АА.

ЭШИТДИНГИЗМИ

Айни кунларда кунчиқар мамлакат Япониянинг қатор шаҳарларидаги майдон ва хиёбонларда норвегиялик санъаткорлар томонидан гаройиб концерт дастури намойиш этилмоқда. Концертда фойдаланилаётган мусиқа асбобларининг ҳаммаси муздан ясалган бўлиб, улар оқшом пайти хира чиरोқлар ёғдуси билан уйғунлашиб, эрталабдагидек сирли манзара ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам кўпчилик иш кунидан сўнг мароккили хордик чиқариш мақсадига концертга ошмади. Мутахассислар эса муз асбобларнинг ясалиш жараёни билан жиддий шугулланишмоқда.

Ҳоиза АБУННАЖО:

ЎЗБЕКISTONNING ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАРИГА ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Авал хабар қилинганидек, Миср Араб Республикасининг халқаро ҳамкорлик вазири Ҳоиза Абуннажо хоним раҳбарлигидаги делегация 28 февраль — 3 март кунлари Ўзбекистонда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Ҳоиза Абуннажо хонимни қабул қилди. Унда Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, бу борадаги мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Миср делегацияси Ўзбекистон Ташқи ишлар, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари, "Ўзбекистон ҳаво йўллари", "Ўзбектуризм" миллий компаниялари каби қатор вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказди.

Ташриф доирасида Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Миср ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасида барча йўналишларда, жумладан, илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди. "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг Миср Сайёҳлик вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси билан Мисрнинг Технологиялар ва илмий тадқиқотлар академияси ўртасида ҳамкорликка оид дастурлар, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан Миср Араб Республикасининг Анвар Саодат номидаги Бошқарув санъати академияси, Ўзбекистон "Қамолот"

ёшлар ижтимоий ҳаракати билан Мисрнинг Миллий ёшлар кенгаши ўртасида эса англашув меморандумлари имзоланди. Мисрлик меҳмонлар Мустақиллик майдонидagi Мустақиллик ва эгулик монументини бориб қўрдилар. Темирийлар тарихи давлат музейининг экспонатлари ҳамда Абул Қосим мадрасасида миллий хунармандлик буюмлари кўргазмаси билан танишдилар. — Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов билан учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истикболлари юзасидан атрофича фикр алмаштиришга муассар бўлдим, — деди Ҳоиза Абуннажо. — Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг Тошкентда бўлиб ўтган бешинчи мажлисида кўриб чиқилган асосий масалалар ҳу-

сусида суҳбатлашдик. Ўзбекистонга ташриф асосида юртингизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, иқтисодий, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ижобий ўзгаришлар билан танишдик. Мамлакатларимиз ўртасида айниқса соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги алоқаларни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масалаларини муҳокама қилдик. Миср ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва иқтисодийнинг турли соҳаларига уни

кенг жорий этиш борасида муайян ютуқларни қўлга киритган. Ўзбекистон ҳам бу йўналишда муваффақиятларга эришаётганига гувоҳ бўлдик. Музокараларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси учун кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашиш икки томон учун манфаатли эканлиги қайд қилинди.

Ташриф асосида имзоланган ҳужжатлар ҳам асосан илм-фан ва таълим йўналишларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, сайёҳлик ҳам ҳамкорликнинг устувор соҳаларидан эканлигини инобатга олиб, бу борада имзоланган ҳужжат Ўзбекистон ва Миср манфаатларига тўла мос эканлигини таъкидлаш жоиз.

Халқларимиз ўртасидаги алоқалар тарихи узок асрларга бориб тақалади. Ўзбек заминида етишиб чиққан буюк алломалар Мисрда ўчмас эл қолдирганлар. Масалан, Аҳмад ал-Фароний Нил дарёси сувининг микросини ўнлайиндан ҳижоз яратган ва биз ундан ҳўзир ҳам фойдаланиб келаямиз. Ўзбекистонга ташриф асосида юртингизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сийсий

дамли, серҳосил ва тез пишиб етилди, толаси ҳам сифатли. Бу йил 340 дан зиёд фермер ҳўжалигидан пахта хомашёси қабул қилиб, уруғлик чигит тайёрлаш салмоғини янада оширмоқчимиз. Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири.

8 март — Халқаро хотин-қизлар кун

Наманганда "Аскарлар оналарини шарафлаймиз" номили тантанали тадбир ўтказилди. Турли шаҳар ва қишлоқлардан фарзандлари Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида йигитлик бурчини ўтаётган икки юз нафардан ортиқ аёл вилоят театрига Халқаро хотин-қизлар байрамга бағишланган байрам учрашувига таклиф этилди.

АСКАРЛАР ОНАЛАРИ ЭЪЗОДА

Тадбирда ҳарбийлар, Республика Маънавият тарбиёт маркази, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари Ватанимизнинг муносиб посбонларини тарбиялаб, вояга етказган оналарга миннатдорлик билдирди.

Армия сафида сидқидилдан хизмат қилаётган, тинчлигимиз ва осойишталигимизни, сарҳадларимизнинг дахсизлигини кўриқлаётган аскар ва сержантлар оналарига 8 март байрами муносабати билан эсдалик совғалари топширилди. Вилоят драма ва мусикали комедия театри ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоалари артистлари иштирокида байрам концерт дастури намойиш этилди.

И. РАЗЗОҚОВ,
ЎЗА мухбири.

УРУҒЛИК ЧИГИТ ТАЙЁР

Сурхондарё вилоятидаги "Сурхонпахта" очик акциядорлик жамиятида турли зараркундаларга қарши до-риланган 900 тоннадан зиёд уруғлик чигит тайёрлаб қўйилди.

— Шартномага кўра Жарқўрган туманидаги "Сурхон" фермерлар уюшмаси ва Бандихон тумани фермер хўжаликларига уруғлик етказиб беримиз, — дейди жамият бошқаруви раиси

Рустам Раҳмонов. — Фермерларимиз "Бухоро-6" ва "Бухоро — 102" гўза навларига кўпроқ қизиқиш билдирмоқдалар. Чунки маҳаллий иқлим шароитида синовдан ўтган бу навлар иссиққа чи-

НАВБАТДАГИ СОНЛАРДА

Ватан сувратига чизгилар

Пойингга кўкламни бошлаб келаман

Публицистика




Турлича фикр

БИР ФЕРМЕР НЕЧАТА ОДАМИ БОҚАДИ?

Спортимиз юлдузлари

София КАСПУЛАТОВА:

«ЗАБТ ЭТИЛАЖАК ЧЎҚҚИЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА»



Сенатор минбари

Матбуотда мамлакатимиз Президентини томонидан парламентиимизнинг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган «Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ва уларга берилган шарҳлар эълон қилингандан кейин демократик тамойиллар Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди.

ИСЛОҲОТЛАР — ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Таъкидланганидек, давлат бошқаруви, унинг ҳуқуқий тизимини демократлаштиришда ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти беқисс. Утган давр мобайнида уларнинг сиёсий таърибаси орди, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрни ва вазифаси қандай бўлиши лозимлиги ҳақидаги тасаввурлари бирмунча ойдинлашди. Қонун лойиҳалари билан танишиб, қонун чиқарувчи ҳокимият — парламентнинг, жумладан, сиёсий партияларнинг мамлакатимизда демократик ўзгаришларни амалга оширишдаги роли ва таъсири ортанишини кўрамиз. Бу ҳолат сиёсий партияларнинг халқимиз ва давлатимиз олдидаги масъулиятини янада оширади.

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши мамлакатда ҳуқуқий-демократик инсонларвар жамият қуриш мақсадида олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг ижтимоий қадами бўлди, деб эътироф этиш мумкин.

Жойларда бу Қарорга қизиқиш ниятда юқори эканлигини таъкидлаш билан биргаликда, аҳолида ижтимоий сиёсатга эътибор ўзгараётганини сезиш мумкин. Ўтказилаётган ўрашувлар эса савол-жавобларга бой бўлиб, ижтимоий ҳимоя масалаларининг барча қирраларини қамраб олишга ҳаракат қилинмоқда. Бу, албатта, эътирофга молик ҳол. Учрашувлардан шундай ҳулоса чиқадими, биз аҳолининг барча табақалари ва тоифалари ичига кириб боришимиз, уларни қизиқтираётган саволларга жавоб беришимиз, мамлакатимизда кенаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни тушунириб боришимиз лозим. Албатта, бу борада маълум маънодаги ишлар олиб боришмоқда. Лекин бу ишларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартиришимиз, савиясини оширишимиз талаб этилади. Қолаверса, халқимизнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилаётган, депутатлик мандагига эга бўлишга интилаётган сиёсий партияларнинг ўрни ниятда юқори бўлиши лозим. Шу ўринда таъкидлаб

ёшлар билан эркин суҳбатларда эришилади. Очигини айтиш керак, ёшлар масаласига мамлакатимизда жуда катта эътибор қаратилмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» ўйинларининг мунтазам йўлга қўйилиши, хотин-қизлар спортига берилаётган эътибор шулар жумласидандир. Ёшларнинг, жумладан, етим, боқувчисини йўқотган, ногирон болалар, кам таъминланган ва муҳтож оилалардан чиққан иқтидорли йигит-қизларнинг билим олишига, жамиятда ўз ўрнини топиб олишига қўмақлашиш масаласида ҳам юртимизда олиб борилаётган ишларни алоҳида эътироф этиш зарур. Ушбу масалага «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида ҳам алоҳида урғу берилган. Мамлакатимиз таълим тизимини ижтимоий жиҳатдан қийналган табақа болаларининг ўқишлари, уларнинг ўз қобилиятларини намоён этишлари учун яратилаётган шароитлардан фойдаланаётган ёшлар ҳам йилдан йилга қўлайиб бормоқда.

Муродулла НОРМУРАДОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ректори, профессор.

ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ


Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕКО (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинишидан қувониб юрган кезларимда матбуотда Юртбошимизнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюси босилиб чиқди.

Аввало, сарлавҳанинг гузал ва мазмундорлиги диққат-эътиборини тортди: «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқисс ҳиссасининг юксак эътирофи». Маълумки, ислом маданияти жамиятнинг диний-руҳий асослари, халқимизнинг қадим маънавий-ахлоқий юксалиш таърибасини ўзида мужассам этгани билан қадридлир. Зеро, биз мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ислом маданиятини тиклаш, тарихий хотира, маданият тарихий бирликка эга бўлиш эканлигини англаган ҳолда, бу йўлдаги ilk қадамларимизни ташлаган эдик.

Эскириб қолган тарихий обидалар ва масжидларнинг таъмирланиши, янги-янгиларнинг бунёд этилиши, диний адабиётлар нашри, замонавий олий илм масканлари қаторида Тошкент ислом университетининг ташкил топиши, Конституцияда эзиб қўйилган динга эътиқод қилиш эркин-

савий меросига бағишланган халқаро илмий-маърифий ҳамда Исломгача бўлган ёзувларни ва бу ёзувлардаги ёдгорликларни ўрганишга бағишланган халқаро илмий конференциялар ўтказилишидек нуфузли анжуманлар айнан мустақиллик йилларида амалга оширилди. Айниқса, Самарқандда ҳадис илмининг сўлтони Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллик тўйи тантаналарида дунёдама қўл кўпгина мамлакатлардан келган олимлар ҳам қатнашиб, юртимизда эркин ва демократик жамият барпо этилаётганининг гувоҳи бўлдилар. Дарвоқе, бугун дунё аҳли аждодларимиз — бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар ҳақон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшганини ахши билади. Биз бу билан ҳақли равишда ғуруланамиз, ифтихор айлаيمиз. Мухтасар қилиб айтганда, халқимиз маънавий руҳини, инсонпарварлиқни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда ислом таълимоти ва маданиятининг ўрни алоҳида. Буларнинг янги-янги авлодларни тарбиялаётган маънавий қадриятларга айланб бораётгани эса нур устига аъло нур. Бундай савобли ишлар Юртбошимиз таъ-

лиги ижтимоий ҳаётда катта воқеа бўлди. Ҳукумати-миз мўминларнинг истакларини инобатга олиб, мусулмон дунёсининг энг муқаддас ёдгорликларидан бири — халифа Усмон «Мусафҳини» улар иштиёрига қайтиб берди. Қатор тарихий обидалар диний ташкилотлар тасарруфига ўтказилди. Минг-минглаб юртдошларимиз Ҳаж зиёратига боришдек мартабага эришмоқдалар. Тошкентда (туркистонлик) ўзбекларнинг Германия, Саудия Арабистони, Сурия каби хоржий давлатлар, шунингдек Ўрта Осиё ва Қозғистонда яшовчи ватандошлари билан биринчи халқаро учрашуви (1991 йил, 24 сентябрь), Вазирил Маҳмадининг «Баҳоддин Накшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш тўғрисида» қабул қилган қарори (1992 йил, 3 ноябрь), Замонавий ислом санъати кўрғазмаси, Хожа Аҳмад Яс-



Бугун халқимиз ҳар соҳада яхшиликлар яратиб яшамоқда. Муҳаддас Қуръон Карим китобиде таъкидлашчи, «Яхшиликнинг муқофоти яхшиликдир». Ислом маданияти эса яхшилик ва эзгулик манбаи ҳисобланади.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, тарих фанлари доктори, ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг Шарқ қўлвзмалори фонди мудири.

Саховатпеша фермер



Нижон туманида фаолият кўрсатаётган фермерлар хусусида гап кетганда, кўпчилик «Фармон ота» фермер хўжалиги раҳбари Зейдулла Фармонов номини илқик билан тилга олади. Сабоби, деҳқончилик илмини пухта эгаллаган ушбу ишонистийёридаги 50 гектар пахта майдони ва 30 гектар га-лазордан ҳар йили мўл ҳосил етиштириб, оғизга тушган. Шунга эмас, фермер хўжалигида 200 бошдан зиёд қўй-қўзи ва шунча бош қорамол парвариш қилиб, аҳолининг эъти, сут маҳсулотларига бўлаган талабини қондиришга хизмат қилапти. «Даромада яраша бурма» деганларидек, фермер хўжалиги олган фойда ҳисобдан 32 млн. сўм сарфлаб, Обод қишлоғида врачлик пунктини қуриб берди.

СУРАТДА: фермер Зейдулла Фармонов. Нурмамет АЛМУРОДОВ олган сурат.

Эришилган макроиктисодий кўрсаткичлар муваффақиятли иқтисодий сиёсат тасдиғидир

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирил Маҳмадининг мажлисидаги маърузаси ҳамон хоржий мамлакатларда кенг шарҳланмоқда.

Жумладан, «Мицун и Ко., ЛТД» компанияси ва Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония-Ўзбекистон қўмитасининг раиси Нобуо Охаси фирмага қура, 2006 йилда эришилган натижалар давлатнинг иқтисодий қудрати юксалиб бораётганидан далолат беради. Унинг айтишича, бундай ўсишнинг асосий ҳаракатланувчи кучи санаот ишлаб чиқариши тараққиётига эришиш борадигандай савий-ҳаракатлардир. «Шуни катта қониқиб билан таъкидлашнинг истардимки, Президент И.А.Каримов томонидан қўрилган 2007 йилдаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг қатор устувор йўналишлари хоржий иштирокчилардан катта қизиқиш уйғотди», — деди у.

Ўзбекистондаги ялли ички маҳсулот ўсиши ўтган асрнинг 60-йиллари бошида Япония эришган юксак иқтисодий кўрсаткичлар даврини эста солади, — деди «Яэки Корпорейшн» компанияси масъул вақили Суғурта ҳаёти бўйича миллий молия корпорацияси (НЛФ) собик раиси Мамору Озаси. — Агар ялли ички маҳсулот ўсиш ҳар йили 7 фоизга ошиб борса, яқин ўн йил ичиде бу кўрсаткич икки бараварга қўлади. Ўзбекистон ҳукумати ислохотларни рўйбга чиқариш жараёнида нафқат санаотини, балки қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратаётган. Бугунги кунда ўзбек тадбиркорларига эркин иқтисодий фаолият учун кенг имкониятлар яратилган. Ўзбекистон Президентини маърузасида қинок ва ҳусусий тадбиркорлик тараққиёти ривожининг муҳимлиги алоҳида қайд этилади. Қинок ва ўрта бизнес соҳасида Япония ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ишига ўзининг

нинг экспорт салоҳияти жадал ривожланиб, тобора рақобатга бардошли бўлиб бораётгани 2006 йилда эришган асосий натижаларимиздан бири бўлди. Экспорт қорхоналаримиз фаолиятининг энг муҳим йўналишига, бутун иқтисодиётимизнинг ривожланиш натижаларини баҳолаш мезонига айланди. Биргина 2006 йилнинг ўзида товар маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 31,5 фоизга ўсиб, 2000 йилга нисбатан икки мартадан кўпроқ орди».

«Деловой Казахстан» газетонлар эътиборини мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқларга қаратар экан, бугунги кунда республикада 190 миң фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётгани ва соҳада 1,4 миллион киши меҳнат қилаётганини қайд этиди. «Агар 2000 йилда етиштирилган пахта ҳосилининг 21 фоизи фермер хўжалиқлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 86 фоиздан ошиб кетди. Бошқоқи дон экинлари етиштириш бўйича эса 2000 йилда 15 фоизни ташкил этган бўлса, яқундан йилда у 75 фоизга тенг бўлди», — деди аҳоли газета.

«2006 йилда аҳоли бандлигини ошириш, халқнинг турмуш даражасини босқичма-босқич юксалтириш йўлида сезиларли қадамлар қўйилди. Барча соҳада ишловчиларнинг реал иш ҳақи ўтган йили 36 фоизга ўсди. 2007 йилда ялли ички маҳсулот ҳажми жалб этган ҳисобдан муҳим тармоқларни техникавий ва технология жиҳатдан янгилаш, меҳнат ҳақ тўлашни ва аҳоли турмуш даражасини доимий равишда ошириб бориш шулар жумласига кирди», — деди у.

«Ўзбекистон ҳудуд бўйича қўшни, ривожланиш гоёси бўйича ҳам қўшнидир» сарлавҳали мақола Қозғистон Республикасининг нуфузли иқтисодий нашрларидан бири — «Деловой Казахстан» газетаси саҳифасида босилиб чиқди. Мақола муаллифлари Президент Ислам Каримов маърузасидаги қуйдаги фикрларга эътибор қаратишди: «Миллий иқтисодиётимиз-

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Table with exchange rates for various currencies: Австралия доллари, Англия фунти, Дания кронаси, БАА дирхами, АҚШ доллари, Миср фунти, Исландия кронаси, Канада доллари, Хитой юани, Малайзия ринггити, Польша злотини, СДР, Туркия лираси, Швейцария франки, ЕВРО, Жапуния корей юани, Япония иенаси, Россия рубли, Украина гривнаси.

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъжур валюталарни ушбу қийматда топиш эки топиб олиш мажбуриятини олмаган.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Китоблик Жалил Ибрагимов ва Мухаммади Ражабов тумандаги 81-мактаб ўқитувчилари номидан таҳририятимизга хат йўллаб, жомоа раҳбари Ш.Худойқулова халқ таълим оид қонунларни қўпол равишда бузаётгани ва педагогик фаолиятга эид равишда иш олиб бораётгани ҳақида шикоят қилишганди. Биз масалага оидлики киритиш учун уларнинг аризасини Халқ таълимни вазирига жунатгандик.

Камчиликлар бартараф қилинади

Вазирил ўринбосари У.Му-саевдан келган расий жавоб таъкидлашчида, арвида халқ таълимининг тизимининг мутасадди ходимлари томонидан батафсил ўрганилган. Шу жараёнда унда келтирилган вазирнинг аксарияти тасдиғини топан. Жумладан, мактаб раҳбарининг фаолияти, ўқувчилар давомати талаблар даражасида эмаслиги, расий меъёрий ҳужжатлар юртилишида, ўқув жараёни ва таълим-тарбияда дахлдор ишларда қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Бу камчиликларни бартараф этиш, жомоадаги муҳитни соғлом-

лаштириш, таълим-тарбияни яхшилаш орасидан тезкор чоралар ишлаб чиқиш масаласи қўйилган. Шунингдек, қонунбузилиш ҳолатлари бўйича тўлган ҳужжатлар туман прокуратурасига топширилган. Вилот ва халқ таълимни бошқаруш органлари зиммасига мактабдаги муҳитни яхшилаш, камчиликларга йўл қўйган раҳбар ва ходимларга нисбатан ваколат доирасида интизомий чора қўллаш, таълим-тарбия жараёнида меъёрида олиб бориш ва камчиликларни бартараф этиш орасидан белгиланган чора-тадбирлар ижросини доимий назорат қилиш вазифаси юклатилган.

«Жаҳон» АА.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Абхазияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Таъ олинмаган республика марказий сайлов комиссияси берган маълумотга кўра, сайловчиларнинг 40 фоиздан кўпроги умумхалқ тадбирида ўз овозлари билан иштирок этган. Мамлакат қонунчилиги бўйича Халқаро спорт кўрашлари федерацияси — ФИАНинг «Олтин Гран при» туркумига кирувчи «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтди.



Эстонияда жаҳон тарихида биринчи бор парламент сайловлари интернет орқали ўтказилди. Дастлабки маълумотларда айтилишича, унда мамлакат бош вазири Андрус Ансип бошчилик қилаётган Ислохотлар партияси 28 фоиз овоз тўплаб, биринчи ўринда бормоқда. Айтилишича, парламентда 101 та ўридан 31 та депутатлик ўрини банд қилди. Сайловда 11 та партия ва 7 нафар мустақил номзод кураш олиб бормоқда.

Афғонистон шарқда америкалик ҳарбийлар ва толиблар ўртасида бўлиб ўтган отишмалар 8 нафар одамнинг ўлими билан якунланди. Коалиция кучлари қўмондонлиги вақтинчалик сўзларига кўра, Жалолободда ҳарбий машиналар кетаётганда жангарилар турли тарафдан қўрилган ҳужум қилишган. Натижада тартибсиз отишмалар бошланиб кетган. Бунинг оқибатида шу ерлик вакиллар ҳам қўрбон бўлди.



Ўтган ҳафтада 10 нафар англиялик сайёҳ Эфиопияда номаълум шахслар томонидан гаровга олинган. Яқинда кўни мамлакатнинг Эритрия билан чегарадош ҳудудда сайёҳларнинг кузатувчиси топилган. Унинг гувоҳлик беришича, Эритрия ҳарбийлари британияликларни гаровга олган. Бироқ Эритрия ҳукумати мазкур маълумотни инкор этди.

Красноярскда 200 га яқин одам озиқ-овқатдан захарланган. Маҳаллий матбуотнинг хабар беришича, захарланганларнинг ақсарияти Красноярск ўлкаси губернатори Александр Хлопонин томонидан талабаларни тақдирлаш муносабати билан ўтказилган маросимда иштирок этишган. Ҳозирча оммавий захарланишнинг сабаби номаълум.



Ироқда америкалик ва британиялик ҳарбийлар бир пайтнинг ўзида исёнчиларга қарши махсус амалиёт ўтказдилар. Хусусан, Басра шаҳрида жойлашган Миллий разведка агентлигида ҳам текшириш ўтказилди. Бирлашган Қироллик ҳарбийлари вақтинчалик сўзларига кўра, агентлик ходимлари ўз хизмат ваазифаларини суиистеъмол қилган ҳолатда турли жиноятларни амалга оширишган. Амалиётлар чоғида ноқонуний ушлаб турилган кўпблар ироқлик мабуслар озод этилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Спорт


1-4 март кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси кураш ишқибозлари билан гавжум бўлди. Бу ерда эркин ва юнон рум кураши бўйича Халқаро спорт кўрашлари федерацияси — ФИАНинг «Олтин Гран при» туркумига кирувчи «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтди.

«Олтин Гран при»дан — жаҳон чемпионатига

Унда Арманистон, Озарбойжон, Беларусь, Грузия, Ҳиндистон, АҚШ, Украина, Жанубий Корея, Қозғоғистон, Қирғизистон каби дунёнинг йиғирмага яқин мамлакатларидан келган полвонлар қатнашганлиги билан жаҳон чемпионати кўрашлари бўлиб ўтди. Шу ўринда бир фактни келтириб ўтасак, бугунги кунда ФИАНга 161 давлат аъзо. «Олтин Гран при» мусобақалари эса шу давлатларнинг учтасидан ўтказилади. Яна бир муҳим жиҳати, Тошкентда ўтаётган турнирларга ФИАН президенти Рафаэль Мартинетти доимо таширф буюради. У киши, одатдаги-


дек, бу сафар ҳам пойтахтимиздаги спорт мажмуалари билан танишишни қанда қилмади. «Олтин Гран при» эки бошқа мусобақаларни ўзидан ўтказишни истовчи мамлакатлар ҳолатида топилди, — дейди ФИАН президенти Р. Мартинетти. — Биз аввало, даввогар мамлакатлардаги шароитни ўрганамиз. Ўзбекистон эса биз қўйган талабларга тўлиқ жавоб беради. Бу юрда эркин ва юнон рум курашини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар мақтовга лойиқ. Мен бу сафар Тошкентдаги кўлаб спорт иншоотларида бўдим. Бу бежиз эмас. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон спорт кўрашлари ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорлик бўйича музокаралар ўтказдик. 2010 йилда ўтаётган жаҳон чемпионатида Тошкент мезбонлик қилиши ҳам мумкин.

Халқаро турнирда юнон рум кураши бўйича Дилшод Орипов (60 кг.) ўзининг ажойиб олишувлари билан барчани ҳурсанд қилди. У саралаш босқичида Тожикистон, Украина ва Грузиядан келган полвонларни катта устунлик билан мағлубиятга уч-



Янги мавсум ҳаяжонлари

Ўтган дам олиш кунлари футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионатининг биринчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.



Дастлаб, Фарғонада икки азалий рақиб, «Нефтчи» ва «Насоф» жамоалари ўрашдилар. Унда 2:1 ҳисобида водийлик футболчилар зафар кучиди. Мавсумга пухта тайёргарлик кўрган «Пахтакор» биринчи турдаёқ йирик ҳисобдаги галабага эришди. Пойтахтлик футболчилар Бекбобода «Металлург» дарвозасига тўртта (4:0) жавобсиз тўп йўлладилар. Уе Йероуиме иккита, Сервер Жепаров ва Анвар Солиевлар рақиблари дарвозасини бир мартадан ишғол қилишди. Қолган ўрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Локомотив» — «Тўполан» 1:0, «Андижон» — «Шўртан» 1:0, «Вобкент» — «Қурувчи» 0:1, «Трактор» — «Бухоро» 1:2, «Машъал» — «Навбахор» 1:0, «Қизилқум» — «Самарқанд-Динамо» 2:1.



Элчилар донга сурганда...

Вазирликнинг қабуллар уйида навбатдаги III анъанавий шахмат турнири бўлиб ўтди. Шунинг билан таъкидлаш лозимки, баҳор байрамлари арафасида ташкиллаштирилган мазкур турнир юртимизда фаолият кўрсатётган дипломатик корпус вакиллари ўртасида ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Унда қатнашгани истовчи хаваскор шахматчилар сони ҳам ошиб бормоқда. Бу сафарги турнирда Россия, Чехия, Ҳиндистон, Афғонистон, Руминия, Исроил, Қувейт, Италия, Польша, Индонезия, Эрон, Қозғоғистон, Қирғизистоннинг мамлакатимиздаги элчихоналари ва Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари қатнашди.

Анъанавий тарзда уюштирилган турнирда ҳар йили катнашиб келамиз, — дейди Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги факултода ва мухтор элчиси Сканд Ранжан Тайал. — Одатда, биз расмий давраларда бир-биримиз билан мулоқотда бўламиз. Бу турнир эса бизларни ўзаро дўст сифатида яқинлаштирди. Икки кун давом этган мусобақада Чехиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси жамоаси энг кўп очко жамғариб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Ҳали бу совриндорлар ташкилотчилар томонидан эс-далик совғалари билан тақдирландилар.

ПРЕДЛАГАЕМ СТРОИТЕЛЬНЫМ, КАДАСТРОВЫМ, ИЗЫСКАТЕЛЬСКИМ ОРГАНИЗАЦИЯМ:

- измерительные приборы для строительства;
- приборы и оборудование неразрушающего контроля и технической диагностики;
- оптические нивелиры и теодолиты, цифровые и лазерные нивелиры;
- рулетки фиберглассовые и металлические (3м, 5м, 8м, 20м, 25м, 30м, 50м, 100м), телескопические нивелирные рейки;
- электронные теодолиты, безотражательные дальномеры, GPS-приемники, электронные тахеометры, персональные и автономные навигаторы GARMIN.

Возможен кредит

ул. Навои, 2а. Тел. 142-46-31. Факс 134-53-66. Тел. 316-59-41.
E-mail: geo_inform@yahoo.com

услуга лицензирована Авторизованный партнер Trimble товар сертифицирован

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD ADI International, Panasonic

Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы видеонаблюдения

PELCO, J&S, DX 8000 SERIES DIGITAL VIDEO RECORDER

НОВЫЕ ПОСТАВКИ!
профессиональное качество по привлекательным ценам

ул. Дружбы Народов, 44
Тел.: 367-97-1415; Факс: 367-00-68
E-mail: vinlad@sarkor.uz, vinlad@vinlad.uz
Web-site: www.vinlad.uz

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103
Лицензия МВД УПО № 29/2-2-97
Лицензия КМ №000390 (проектирование)

Газ угуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатиға!

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили куйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Этказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган **«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН** замонавий электрон газ ўлчлагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСТ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

РЕСПУБЛИКАДАГИ МАҲАЛЛИЙ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИКАРУВИЧЛАР, ЯККА ТАРТИБДАГИ ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Аҳолининг истеъмол товарлари бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилари билан савдо корхоналари ўртасида яқин ўзаро алоқалар ўрнатиш, республика, минтақавий ва халқаро кўргазма-ярмаркаларини тизимли асосда ўтказишни ташкил этиш мақсадида ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 декабрдаги 270-сонли қарорига мувофиқ,

«ЎЗУЛГУРЖИСАВДИНВЕСТ» УЮШМАСИ ТИЗИМИДА «ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИНГ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА САВДОСИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ» ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.

Ўтказилган ярмаркаларда ушбу марка маҳаллий саноат корхоналари, мулкчилик шакли турлича бўлган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчилари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, хорижий корхоналарга ишбилармонлик алоқалари ўрнатиш учун ҳамкорлар топилганда ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро кўргазмалар, ярмаркаларда иштирок этишида қўллашди. Шунингдек, республикада ишлаб чиқарилмайдиган айрим хомаш, фурнитур ва бошқа анжомларни хусусий тадбиркорларга етказиб беришда амалий ёрдам кўрсатади.

Ярмаркада қатнашиш истагини билдирган юридик ёки жисмоний шахсларга алоҳида стенд ва тегишли кўргазма майдонлари ажратилади.

Ярмаркада қатнашувчилар товар намуналари, проспекти, буклет, прайс-варақа билан иштирок этадилар.

МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
139-10-93, 139-12-82, 139-49-00, 139-48-26, 139-46-97.
Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 25-уй,
«Ўзулгуржисавдинвест» уюшмаси.

Ярмаркага нарҳанай!

Банк ва ислохот

Бугунги кунда «Фаллабанк» томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматларнинг жозибадорлигини оширадиган воситалардан бири пластик карточкалар ҳисобланади. Мамлакатимизда молиявий хизматнинг ушбу тури нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ривожланиши билан боғлиқ ҳолда шаклланилмоқда. Ҳисоб-китоб ишларининг қулайлиги, нақд пул айланмаси ва харажатларнинг қисқариши, пул маблағларини сақлаш ва улардан фойдаланишнинг хавфсизлиги, шунингдек, қўшимча даромад олиш — буларнинг ҳаммаси банк томонидан муомалага чиқарилаётган пластик карточкаларнинг муҳим хусусиятларидандир.

ПЛАСТИК КАРТОЧКА — ҳисоб-китобнинг қулай ва замонавий усули

Республика акциядорлик тижорат банки — «Фаллабанк» тизимида замонавий ва қулай усул, яъни пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимининг жорий этилганга ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шундай бўлса-да, қисқа фурсатда мазкур йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилиб, ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда. Бунда, Президентимизнинг 2006 йил 3 августдаги «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари талаблари муҳим омил бўлмоқда.

Масалан, бугунги кунга келиб, молиявий муассасанинг барча филиалларида пластик карточкалар асосида мижозларга кенг хизмат турлари кўрсати-

моқда. Карточкалар эмиссияси сонининг тобора ошиши эса банкдаги пул айланмаларининг тез суръатларда ўсиб боришини таъминлайпти.

Бу йўналишдаги энг катта ютуқлардан бири — бу муомалага чиқарилган карточкаларнинг ақсарият қисми иш ҳақи лойиҳаси доирасида амалиётда қўлланилаётганлигидир. Банк филиалларида йирик ташкилотлар ва ишлаб чиқариш корхоналари ходимларига маошлар сўм пластик карточкалари орқали берилмаётгани мисол бўла олади. Бу жамоалар учун ходимларга карточкалар асосида ҳисоб-варақлар очиб, катта миқдордаги нақд пулни олиш, сақлаш ва бериш билан боғлиқ ўз харажатларини қаматириш имконини яратмоқда.

Ходимлар эса маош олинмайдиган вақтдан қатъи назар, исталган пайтда, керакли сўманин карточкадан олиш, товар харид қилиш ва хизматлардан даромадлар, лотереялардан келадиган ютуқлар, турли сугурта ва ижтимоий тўловлар ҳам пластик карточкаларга нақд пулсиз ўтказилиши айниқса, мижозларга манзур бўлмоқда.

Шунинг билан бир қаторда таъкидлаш кераки, жисмоний шахсларга сўм карточкалари қўшимча тўловларсиз берилиб, ундаги қолдиқ маблағларга йиллик 14 фоиз миқдорда даромад тўланади. Бу фоиз ҳар ой яқинида кўра, мижозларнинг тегишли ҳисоб-варақларига ўтказиб борилади. Натижада пластик карточкалардаги маблағлар қолдиғи мунтазам равишда ошиб бораётир. Хусусан, жорий йил 1 март ҳолатига кўра, мазкур маблағлар қолдиғи ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарий уч бараварга кўпайган.

Ҳозирги кунда эса банк томонидан хизмат кўрсатиладиган 600 тадан ор-



тиқ корхона ва ташкилотларнинг 6 миңдан зиёд ишчи-ҳодимлари пластик карточкалар билан таъминланган. Биргина ўтган йил мобайнида қўшимча равишда 5700 га яқин пластик карточкалар иш ҳақи лойиҳаси бўйича муомалага чиқарилди.

Пластик карточкаларни янада кенг омаллаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини мунтазам равишда кенгайтириб бориш ҳамда улардан фойдаланувчиларга мумкин қадар қулай шароит яратиш учун банк ҳар йили янги савдо терминалларини савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарига ўрнатмоқда. Ўтган йил давомида эса банк пластик карточкалари орқали жами 223 миңдан кўпроқ транзакциялар амалга оширилиб, 5,7 миллиард сўмлик тўловлар ўтказилди. Ана шу транзакцияларнинг 76 фоизи ёки 170 миңга яқини нақд пулсиз тарзда товар ва хизматлар тўлови учун ўтказиб берилди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларга мижозларнинг қизиқиши ва ишончи ошиб бораётганлиги муносабати билан «Фаллабанк» жамоаси жорий йилда ҳам пластик карточкаларни жорий этишни янада кучайтириш, бу борада кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириш, шунингдек, терминаллар сонини қўпайтириш йўлида ғайрат-шижоат кўрсатмоқда.

Ҳосня КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Маргилон шахрининг 2000 йиллиги олдида



ЮНЕСКО шафелигида ўтаётган дунё миқёсидаги маросимларга юртимиз музейлари ҳам ўзига хос тўёна тайёрлашлари яхши аънамага айланиб бораёти. Қарши шахрининг 2700 йиллик тўйи куларида ўтказилган музейлар фестивали нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик қатнашчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

КЎХНА ТАРИХ СЎЗЛАЙДИ

Маргилон шахрининг 2000 йиллиги тўйи шарафига ўтказилган тадбир ҳам музейлар байрамига, кўргазмалар танловига, буюк юртимизнинг бой ўймиши, ёрқин келажаги намойишига айланиб кетди. Чунки Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Фанлар Академияси,

Республика «Ўзбекмузей» жамғармаси ҳамда Фарғона вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган фестивал кўргазмаларида 2000 дан зиёд турли давр ва замонларга оид экспонатлар намойиш этилди. Улар орасида тарихий ашёлар, тасвир ва декоратив-амалий санъат асарлари, мейбўёқ ва графика усулидаги сурат-

лар, миллий кийимлар, қадимий матолардан намуналар, сўзана, гилам, заргарлик буюмлари, сопол, шиша, металл, тош ва бош-

қа материаллардан тайёрланган экспонатлар, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, миниатюра асарлари бор. Айниқса, кўргазмага ташриф буюрганлар маргилонлик ҳамда вилоятлардан ташриф буюрган хунармандлар томонидан тайёрланган 500 дан зиёд заргарлик, мисгарлик, кулчилик, зардўзлик асарлари намуналарини катта ҳаяжон ва қизиқиш билан томоша қилдилар. Шуниси эътиборга сазоворки, фестиваль юбилей муносабати билан қайта таъмирланган, Маргилон шахар тарихи музейи номини олган кўркам ва муҳташам бинода ўтказилди. Фестивалнинг очилиши янги музей биносини ишга туширилиши муносабати билан кўш байрамга айланиб кетди.

Константинос Павлос ПОЛИТИС — Грециядаги «Халқаро маданият дўмаклари» жамияти директори:

— Мен раҳбарлик қилаётган жамият асосан дунёдаги тарихий, маданий обидаларни тиклаш, музейларни беэза, маданият муассасаларини тиклаш ишларига ёрдам кўрсатади. Ўтган йили Қарши шахрининг 2700 йиллиги шарафига ташкил этилган фестивалда ҳам қатнашган эдим. Бу гапги фестиваль мазмун ва моҳияти, экспонатлар кўпчилиги жиҳатидан ҳам мактовга сазовор. Мен дунёнинг кўпчи мамлакатларида бўлганман. Лекин ҳеч қаерда бундай маданий тадбирларга давлат томонидан катта эътибор ва қўмак берилмаганини учратганим йўқ. Айниқса кўргазма экспонатлари орасида Грек-Бактрия даврига оид тангалар ҳам борлиги мени ҳайратта солди.



Мамасиддиқ МАДАЛИЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Ёшим саксонни қоралаб қолди. Санъат, маданият ихлосманди бўлганим учун ҳам фестивал дарганини эшитиб, гўё қанот чиқариб учиб келдим. Бухоро, Хоразмдаги музейларни кўролмасдан армонда юраддим. Ниҳоят шахримизнинг тўйи муносабати билан бу орзуларим ҳам рўёбга чиқди. Айниқса, музей-кўрхонаси намойишида Комилжон Отаниёзовнинг қўшиқлари янграганда кўзларимга ёш келди. Бу байрамни, тўйни ташкил этганларга минг бора раҳмат.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Бағишлов



Бағри оташ она шахрим, Маргилонсан, Маргилон, Сенда бахшим, жўмард мардум, Маргилонсан, Маргилон. Ишқ сеҳрининг қамолига ошқодирсан, Маргилон, Қумуш қизинг вафосида танқодирсан, Маргилон. Кўркам ўзинг, ўқтам ўзинг, ҳаё-орим, Маргилон, Жоним сенга бўлсин фидо, нур, виқорим, Маргилон.

Олой тоғин харсанларин ёриб чиққан жолалар, Қучоғинга шовиб чопар, қучоғинга жойланар, Маргилонсой бўлиб минг бир жилава билан оқадир, Боғларинга-роғларинга олтин балдоқ тақадир. Ҳар ҳовлида уғил-қизлар элини қорига дармон, Жоним сенга бўлсин фидо, қунгли торим, Маргилон.

Одамларинг лабзи покдир, бол томади тилидан, Сарқомат, қамалак қош мастуралар дилидан, Гудакни ҳам «сиз»лаб, майин лутф этурлар шавқ билан, Асрий удум-фазилатни асрагайлар завқ билан. Аждодларинг орзу этиб, етолмаган ҳур замон, Бугун сени эъзоз этар, дилда борим, Маргилон.

Кўп асрлик тарихида бор-йўқларни кўрганим, Насл воҳасида донгдор — марказ шаҳар бўлганим, Турфа атлас, шойларинг дунёни лол этмишидир, Довруқларинг Ҳиндан ўтиб, Миср, Римга етмишидир. Дорилмон замонларда бўлагансан омон-омон, Жоним сенга бўлсин фидо, ал-норим, Маргилон.

Иму урфонда беназир алломалар юртисан, Ўзбекистон деб атамаши Ватанимнинг кўркисан. Уста Олим доирасин Лондондаги сависан, Қори Ёқуб қўшиғининг Париждаги акисан. Марғионий, Увайсийнинг руҳ-лоқиса оийғим, Вужудимда уриб турган юраккинам-имоним.

Жоним сенга бўлсин фидо, дилда борим, Маргилон... Мамасиддиқ ҚУСАМОВ.

ЛУКОЙЛ
Оверсиз Холдинг ЛТД

«ЛУКОЙЛ» КОМПАНИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИНИ 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ.

СИЗГА ТИНЧЛИК, РИВОЖ, МУҲАББАТ ВА СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ.

Германияда даволаниб қайтишди

Мухтожларни қўллаб-қувватлаш, мискинларга ёрдам бериш халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. Бу борда мамлакатимизда фалонч юриётган бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам ҳиссаси катта. Шулардан бири «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасидир.

Эътироф этиш керакики, жамғарма ташкил топганидан бундан бир қатор хайрли ишларни амалга оширди. Сунги тўрт йил давомида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Германиянинг «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда кам таъминланган оилаларнинг юз нафарга яқин бемор болаларини Германия шифохоналарида даволанишларини таъминлади. Биргина ўтган йили юқори лаб ва танглайнинг туғма нуқсонлари билан оғриган 340 нафар бола Ташкент Тиббиёт Академияси, «Алишер тиббиёт» клиникаси ва вилоят марказларидаги клиникаларда жарроҳлик усулида даволандилар ва айни пайтда ҳам даволаниш жараёнида давом этмоқда. Яқинда жамғарма томонидан уч нафар бемор бола Германия клиникаларига даволаниш учун юборилган бўлиш, шу йилнинг 25 февралда хасталиклардан халос бўлган 9 нафар бола ўз юртига қайтиб келди.

М. ХОЛМАТОВА.

«САНИПЛАСТ» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси

Томчилаб сугориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.

Пахтазор, тоқзор, боғ, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб сугориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Сervis хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларини етказиб беради. Мутахассисларимиз экинларни сугориш ва ўғитлашда маслаҳатлар беради.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Ташкент ш., «Корасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

UzBuild

8-О'ЗБЕК ХАЛҚАРО ҚО'РГАЗМА ҚУРИЛИШ

13-16 mart 2007

O'ZBEKSPOMARKAZ, TOSHKENT, UZBEKISTAN

O'zbekiston, 100015, Toshkent, Oybek ko'chasi, 20
Tel.: +(998 71) 113 01 80, faks: +(998 71) 152 51 64
E-mail: office@ite-uzbekistan.uz

О'ТКАЗИВ YUBORMANG!

Эринмаган одамлар

Виждони қийналган ўғри

Бир вақтлар ўғрилик қилган Германия фуқароси Норвегиянинг Лом шаҳарчаси мэрига 290 евролик чек жўнатди. Ва ушбу чекни шаҳарчадаги савдо-сотик магазини хўжайинига бериб қўйишни илтимос қилди. Сабоби бундан 37 йил аввал, яъни 1970 йилда у дўкондан тахминан 11 еврога тенг маҳсулотни ўғрилаган экан.

«Ўтган вақт мобайнида мени виждон азоби қийнаб келди, — дейди у мэрга ёзган мактубида. — Бундай қилмишим учун уэр сўрайман.»

Ўғри ушанда айнан қайси магазиндан ўғрилик қилганини эслолмади. Лекин дўконда ёдгорликлар сотилганини, магазин ёнида катта машиналар тўхташ жойи бўлганигини таъкидлади.

Ўғри хатида мабодо магазин эгаси топиломаса, 290 еврони шаҳар таъминотига сарфлашини илтимос қилган.

Олиб борилган қидирувлардан кейин магазин ҳам, унинг эгаси ҳам топилди. Бу «Foset» номили магазин бўлиб, унинг соби раҳбари Габриел Луцд айни дамда пенсияда экан. 78 ёшга киргани Габриел 290 еврони хондонди яқинидаги қариялар уйига берди.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор **AVTODOM PLUS**

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГТА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтаридиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БЮЎРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЕРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь», ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли асвонкэзаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустаконалар, бургулаш (буровые), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автовакуаторлар. АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилги ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Ташкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Тиббиёт санитария бирлашмаси жамоаси бирлашма автохўжалиги директори Ш. Ш. Шораҳи-мова падари бузуқворни **ШОИСЛОМ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ташкент шаҳар Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси жамоаси Банкрот корхоналарини тутатиш ишлари ва сул бошқарувчилари фаолиятини назорат қилиш бўлими бошлиғи Шукрат Топшўлатовага падари бузуқворни **Раҳимберди ТОПШЎЛАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ташкент автомобиль ва йўллар касб-хўнар коллежи жамоаси ўқув юрти директорининг ўринбосари, доцент Равашан Ҳикматовга падари бузуқворни **САИДУМАР ҲОҶИ** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва нитиқалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ва операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Ташкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ю. Буринов.
Мусавҳах — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 21.10 2 3 4 5 6